# MAHALLA

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 44-45 (271-272) 2001 йил 7 ноябр, чоршанба Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган Сотувда эркин нархда


Долзарб мавзу

## ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА: у қандай амалга оширилгани маъқул?

** Жойларда ижтимоий ҳимоя қандай уюштирилмоқда?*

** Бу шарафли ва масъулиятли ишончни маҳалла оқсоқоллари, меҳнат идораларининг вакиллари, махсус комиссиялар қандай оқлашяпти?*

** Ушбу савобли фаолиятни такомиллаштириш ва кучайтириш юзасидан сизнинг таклиф-мулоҳазаларингиз?*

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қўшма маслаҳат- кенгаши йиғилишида ана шу масалалар яна кун тартибига қўйилди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Шуҳрат Жалилов ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқил Обидов ҳамда ҳар икки муассаса етакчи ходимлари иштирокида ўтган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аҳоли табақаларини мақсадли равишда қўллаб-қувватлашни кенгайтиришга қаратилган Кенгашга йиғилган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти маҳалла оқсоқоллари, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмалари вакиллари Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган Фармонларида кўрсатилган вазифаларни адолат ва изчиллик билан адо этиш, бу соҳада мунтазам олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатини маҳаллада яшовчи ёшу қари, ҳар бир фуқаро онгига етказишдан иборат эканлигини таъкидладилар.

Жамғарма ҳам, вазирлик ҳам бу борадаги ўз фаолиятини пухта тузиб чиқилган режаларига мувофиқ амалга ошириб келмоқда. Бюджетдаги ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан бериладиган моддий ёрдамлар орқали аҳоли нинг кам таъминланган қатлами муҳофазаси таъминланиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда)



Бугун «Mahalla»да нима гап?

«Mahalla»да яп-янги хабар

## «ЧИНОЗ ТЎҚИМАЧИ», ХОРИЖГА ЙЎЛ МУБОРАК!

***«Чиноз тўқимачи» деб ном олган «Ўзбек-турк-япон» масъулияти чекланган шаклидаги қўшма корхонаси Мустақиллигимизнинг10 йиллиги тантаналари куни Чиноз туман аҳолисига муносиб туҳфа сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди.***

Нега аҳолига муносиб «туҳфа» дейилишининг эса маъноси аниқ. Шу ҳудуддаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи 600 га яқин аҳоли иш билан, иш бўлганда ҳам яхшигина даромадли иш билан таъминланди.

- Таъсисчиларимиз: «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, Туркиянинг «Бурсел», Япониянинг «Мицубиси» компаниялари бўлиб, улар кўмагида корхонамиз белгиланган муддатдан олти ой аввал ишга тушди,- дейди қўшма корхона директори Анвар Бўриев.

Корхона ишга тушганидан икки ой ўтмасданоқ унинг маҳсулотларига хорижий харидорлар пайдо бўлди. Ҳозир Германия билан шартнома имзоланди. Италия корхоналари билан мунозаралар бошланди. Кеча эса корхонада ишлаб чиқарилган 300 тонна ип калава сифати жиҳатидан Европа талабига мос бўлганлиги сабабли хорижлик харидорлар томонидан сотиб олиниб, йўлга кузатилди, корхона илк бор ўз сифатли маҳсулотини экспорт қилди.

**Мухбиримиз**

## ШУ СОННИНГ

**2-саҳифасида:**


- ***Таъминотчи вазифасини уддаламоқда, лекин... «хусусийлар» ҳам ўз фойдасига «эплашаяпти»***
- ***Хумор опа маҳаллани бошқариб кўксига медал тақди.***
- ***Муаммонинг ечими мунозарага айланиб кетди.***


**3-саҳифасида:**


- ***Борини ошириб, йўғини яшириб ўрганганмиз. Аммо бундан ҳар доим ҳам ижобий хулоса ясайвериш керакми?***
- ***Маҳалла - жаҳон тажрибасида: Муниципал маҳаллага ўхшайди, аммо...***
- ***Юсуфбойнинг бойлиги отасидан қолган эди, унинг ҳотамтойлиги эса, ўзининг хислати.***


**4-саҳифасида:**


- ***Чаённинг заҳрига чидаш ҳам мардлик(ми)?***
- ***Қўшнини «тузукроқ» таниб қўйган маъқул. Ўшанда лаққа тушмайсиз.***
- ***Би-ир бош қотиринг-чи!***


Посбон фаолияти

# ТИНЧ ҲАЁТ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

## ЮРТ ТИНЧ БЎЛСА, СУСАМ ҲАМ ТИНЧ

** Маҳалла посбони - маҳаллада, чегара посбони — чегарада ҳушёр.*

** Соғлом ака чегарачиларга от ҳадя қилди.*

Сусам қишлоқ фуқаролар йиғинимизга қарашли 14 маҳалланинг ҳеч бири йўқки, унда маҳалла посбони фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмаган бўлса. Ҳар бир маҳаллада посбонлар сардори ўз ишини пухта биладиганлардан. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида чегара посбонлари ҳам ўз масъулиятини ҳис қиладилар. Бизда бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Негаки биз қўшни мамлакатлар билан чегара ҳудудида яшаймиз. Бу ўринда бизнинг маҳалла посбонлари ва чегара посбонларимиз нафақат 13 минг аҳолиси бўлган қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолисини, балки бутун мамлакатимиз тинчлигига дахлдор масъулиятни ўз зиммаларига юклатилганлигини чин қалбдан ҳис этадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз чегара ҳудудида яшасак-да, ҳеч бир фуқарода бундан зиғирча бўлса-да хавотир йўқ. Ҳеч ким ўз меҳнат фаолиятидан, тинч-тотув ҳаёт тарзидан, тўй-маракаю, байрам тантаналаридан чалғимай ҳаёт кечиришмоқда. Бунга аввало маҳалла посбонларимиз туну кун маҳаллада айланиб юриши, Ватанимиз ҳудуди қалқонлари - чегарачиларимизнинг ўз ўрнида ҳушёрлиги сабаб бўлса, иккинчидан маҳаллаларимиз аҳолиси уюшган ҳолда уларга кўмак бераётганлигидир. Масалан, ўз хоҳиш-иродаси, қалб даъвати билан чегара посбонлигига чоғланган 30 нафар фуқароларимиз чегарачилар билан ёнма-ён. Уларнинг бу ҳудудларни яхши билиши, одамларни таниши чегара тинчлиги учун айниқса асқотмоқда.

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигимиз раҳбари Соғлом ака Балашовнинг бу ишдаги кўмаги чегарачиларимиз ва посбонларимиз кўнглини янада кўтарди. Хўжалик раҳбари чегарачи ва посбонларни доимо моддий ва маънавий қўллаб-қувватлайди. Уларга озиқ-овқат, техника ва ҳатто чегарачи учун энг зарур бўлган чопқир ва соғлом отлар ҳадя қилиш унинг ҳамда шу ҳудуд аҳолисининг ватанпарварлик туйғулари олий намунасидир.

Шундай қилиб, Сусам қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди тинчлиги бу Ватанимиз тинчлиги тимсоли эканлигини ҳар бир фуқаромиз ёддан чиқармай, тинч-фаровон ҳаёт кечираётган экан, бунда маҳалла ва чегара посбонларимизнинг улкан ҳиссаси бор.

**Шуҳрат ШАМСИЕВ,**
**Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Сусам қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

*Қишлоғимиз Шўрчи туманидаги йирик аҳоли масканларидан бири бўлиб, аҳолиси ўн олти минг эллик олти кишидан иборат. Ёруғлик, Совуртепа, Ҳурлик, 8март, Ойнакўл, Қораариқ номли маҳаллаларимиз бор.*

## НОМИНИ ОҚЛАЁТГАН ПОСБОНЛАР

Қувонарлиси шундаки, қишлоқларимиз тинч. Халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. Маҳаллаларимизда ёшу-қари ҳушёр. Атрофга сергак назар билан қарашади. Айниқса, маҳалла посбонлари тиним билишмаяпти. Ҳар бир маҳаллада сардорлардан ташқари, 35-40 нафар йигитлар жамоатчилик асосида посбонлик қилмоқдалар. Посбон ҳамда ички ишлар бўлими ходимлари билан бирга жамоат тартибини сақламоқдалар, қонун бузилишининг олдини олмоқдалар. Маҳаллаларда ташкил этилган таянч пунктларида навбатчилик қилмоқдалар. Одамларнинг айниқса, меҳмонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати улар эътиборидан четда қолмаяпти.

Масалан, Ҳурлик маҳалласида Чори Кўзиев посбон бўлиб ишлайди. У вазифасига масъулият билан ёндошади. Хонадонларда, жамоат жойларида, дала ва фермаларда тез-тез бўлиб туради. Ўтган йили маҳалла фуқароси Ҳасан бобо Қаршиевнинг бир бош қорамоли йўқолди. Бу воқеадан огоҳ бўлган Чори Кўзиев ўғрининг изига тушди. Ўша кундаёқ қорамол топилди. Ўғриликка қўл урган Олим Ҳайитовнинг жиноий ҳаракатига нуқта қўйилди.

Биргина бу эмас, Чори Кўзиев деҳқонларга ҳам мададкор. Фуқароларнинг шахсий чорва моллари пахта ва ғаллани пайхон қилганлигини аниқлаб келтирилган зиённи қорамол эгаларининг зиммасидан ундириб олишига унинг саъй-ҳаракатлари билан эришилди. Совуртепа маҳалласининг посбони Зулфиқор Раҳимов, 8-март маҳалласи посбони Чоршанби Сафаровлар ҳам одамлар эътиборини қозонган ҳушёр посбонлардан. Улар куну тун халқ орасида. Тинч ҳаёт йўлида тунларни бедор ўтказмоқдалар. Шундай жонкуяр халқ посбонлари доим бор бўлсин.

**Т.РАҲИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Шўрчи қишлоқ фуқаролари йиғини раиси.**

Обуна - 2002: Муносабат

## ГАЗЕТА ЎҚИШЛИ БЎЛСА...

***Жонажон ҳур Ўзбекистоннинг кундан кунга чирой очиб, гуллаб яшнаётганлигидан қарийб йигирма беш миллионли халқни хабардор қилишдек юксак масъулиятли вазифа матбуот ва оммавий ахборот воситалари зиммасида.***

*Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, радио, телевидение, газеталар мустақил юрт, халқимиз олдидаги шарафли бурчларини адо этяптилар. Улар орасида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг нашри бўлган «Mahalla» газетасига қизиқиш ҳам туман аҳолиси ўртасида йилдан йилга ортиб бормоқда.*

*Шу ўринда фикримизнинг исботи учун бир ҳолатга мурожаат қилай. Обуна мавсуми давом этаётганлиги муносабати билан сўровнома ўтказдик. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари, ташкилот, корхона, муассасалар, фермерлар ҳамда ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари орасида «2002 йилда Сиз қайси нашрга обуна бўлишни истайсиз?», «Марказий газеталардан қайси бири ўқишли, мазмундор, қизиқарли материалларга бой қилиб чиқариляпти?» деган саволлар билан мурожаат қилдик.*

*Саволларимиз газетхонлар эътиборидан четда қолмади. Олинган юзлаб жавоб хатларида «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Даракчи», «Ҳуррият» каби нуфузли вақтли матбуот нашрлари қатори, «Mahalla» газетаси ҳам тилга олинган. «Биз «Mahalla»ни ўқишни истаймиз», деган фикр алоҳида билдирилган.*

*Газета муаллифлари ҳам турли касб эгалари. Улар орасида оқсоқолларнинг кўплиги диққатга сазовор. Туман ҳокимлари ҳам қурилиш, ободончилик, кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилаларнинг тинчлиги, тотувлиги ва демократик ўзгаришлар жараёнида қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинларида амалга оширилаётган ибратли ишлар тўғрисида ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан, ўрни келса ҳисоботлари билан чиқмоқдалар, таклифларини ўртага ташламоқдалар.*

*Менинг ҳам асли касбим адабиётшунос, филолог. «Mahalla»ни ҳам вазифам нуқтаи назари билан, ҳам ўқувчи сифатида сонма-сон ўқиб бораман. Унинг саҳифаларида чоп этиладиган мақолалардан қониқиш ҳосил қиламан. Айниқса Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раҳбар ва мутахассислари, маҳалла мутасаддиларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳаётига оид, Фозил қори Собиров, профессор Абдуқодир Ҳайитметов ва бошқа ўнлаб газета муаллифларининг тарихий ҳамда тарбиявий мавзудаги мақолалари менда жуда катта таассурот қолдирмоқда.*

*Очиғи, газета ўқишли бўлса, унга обуна қилиш ҳам қийин кечмайди. Туманда 56 та маҳалла, 8 қишлоқ фуқаролари йиғини фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси «Mahalla»га обуна бўлишни ният қилишди. Аммо бу чегара эмас. Чунки туманда газетанинг бошқа соҳа кишилари, аҳоли ўртасида ўқувчилари кўп.*

*Жума ЧОРШАНБИЕВ,*
*Қумқўрғон тумани Ҳокими ўринбосари.*

## ПОЙКЕНТНИНГ ҚАЙТИШИ

***Дунё харитасидан Пойкент деган шаҳарнинг ўчиб кетганига 800 йил бўляпти.***

Ҳозир Қоракўл тумани «Тошкент» ширкат хўжалигининг чўлга туташиб кетган ҳудудларида унинг харобаларинигина кўриш мумкин. Пойкент ўрта асрнинг гуллаб- яшнаган шаҳарларидан бири эди. 20 гектар майдонни эгаллаган бу қалъа-шаҳарда кўплаб карвонсаройлар бўлган. Шаҳар аҳолиси савдогарлик билан шуғулланиб, темирчию косиблар, зардўз ва заргарлар ясаган буюмларини Мағрибу Машриққа сотган.

Қадимги китобларда ёзилишича, Пойкент «Буюк ипак йўли»да жойлашгани боис, шаҳар бозорларида араб, хитой, ҳинд, форс, афғон, фаранг, олмон савдогарларини тез-тез учратиш мумкин бўлган. Муҳаммад Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» китобида қайд этишича, агар бирор бухоролик Бағдодга борса ва ундан сен қаерликсан, деб сўрасалар, «Пойкентданман» деб жавоб берган экан - шаҳар шу даражада машҳур бўлган.

IX-X асрларда Зарафшон дарёсининг суви кескин камайиб кетгач, Пойкент таназзулга юз тутади. Шаҳар аҳли канал қазиб, сув келтиришга ҳаракат қилади. Аммо меҳнати зое кетади. Сув келтириш имкони бўлмагач, пойкентликлар бошқа жойларга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Шу тариқа Суғдиёнанинг тўнғич шаҳарларидан бири - Пойкентни қум бўронлари ўз бағрига олади.

Мана, 20 йилдирки, Ўзбекистон Фанлар академиясинингАрхеология илмий-тадқиқот институти олимлари Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейи илмий ходимлари билан ҳамкорликда бу ерда археологик қазишма ишларини олиб бормоқда. Топилаётган ноёб буюмлар, шубҳасиз, қадимий аждодларимиз ҳаёт тарзи, касб-кори, шаҳарсозлиги ҳақида янги-янги маълумотларни бермоқда.

(Давоми 4-бетда)


**Обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг.**



MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр кўрсаткичи:** 148

**Ҳомий:** «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

**Таҳририят манзили:** Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

**Телефонлар:** Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

